# ЖЕНЕВАДА ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВ ТУГАДИ

(Боши биринчи бетда)

**Р. Рейганга** сўз берилади. Бизга кўрсатилган иззат-икром ва самарали музокараларга солинган асос учун шахсан чуқур миннатдорчилигимни ва барча американикларнинг Швейцария халқига миннатдорчилигини изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Сизларнинг халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатликка кўмаклашишдан иборат қадимий муносиб анъанангиз бор. Сизларнинг шаҳрингиз халқаро музокаралар пойтахти эканлиги билан фахрланишингиз мумкин. Шу сабабли Швейцария ҳукуматига ва Женева аҳолисига яна бир бор кўпдан-кўп раҳмат айтамиз.

Биз кейинги икки кун ичида кўп иш қилишга улгурдик. Мен Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга янги таянч нуқтасини бахш этишга интилиб кўриш учун Женевага келдим ва биз шундай қилишга муваффақ бўлдик.

Биз Бош секретарь М. С. Горбачев билан бирга ўзаро муносабатларимизнинг ҳамма соҳаларини қамраб оладиган батафсил музокаралар ўтказдик. Биз тўғри йўлдан илгарилаб бораётганимизга аминман.

Биз баъзи бир фойдали оралиқ натижаларга эришдик. Бу натижалар бугун эрталаб эълон қилинадиган Қўшма Баёнотда изҳор этилди. Биз М. С. Горбачев жаноблари билан бирга ядровий қуролларга оид музокараларимиздаги ишни жадаллаштириш хусусида келишиб олиб, ўзимизнинг умумий масъулиятимизни тинчликни мустаҳкамлаш фойдасига қаратдик.

Биз Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасида янада интенсив алоқаларни давом эттиришга олиб борадиган жараённи бошлашга муваффақ бўлдик, деб ҳисоблайман. Биз ўтказган икки кунлик музокаралар ўз олдимизда турган проблемалар устидаги ишимизга муайян омил бахш этиши лозим, биз келгуси йилда ўтказишга келишиб олган учрашув давомида бу омилни ривожлантира оламиз.

Мен Женевага келишимдан аввал ўзаро муносабатларимизда ишончни мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида кўп гапирган эдим. Олий даражадаги учрашув вақтида ўтказилган рўй-рост ва амалий суҳбатлар шу жараённинг бир қисмидир. Аммо бир-бирига нисбатан чинакам ишонч шунчаки сўзларга эмас, балки амалий ишларга асосланиши лозим, десам Бош секретарь М. С. Горбачев менинг фикримга қўшилишига аминман.

Қўшма Штатлар ўтган вақт ичида музокаралар столига қўйган ҳамма таклифларни шу фикр бир бутун қилиб бирлаштиради. Келгусида шу мезонга қараб учрашувларимиз ҳақида фикр юритадилар.

Женева учрашуви тўғрисидаги ҳақиқий ҳисобот орадан бир неча ой ёки ҳатто йиллар ўтганидан кейин пайдо бўлади. Аммо қайси саволларга жавоб бериш зарурлигини биламиз: биз ҳужум қуролларини кескин қисқартириш ишида ўз куч-ғайратларимизни бирлаштира оламизми ва ядросиз мудофаа кучига яъни дунёмизни бирмунча хавф-хатарсиз қиладиган системаларга ўта оламизми ёки йўқми? — деган саволга жавоб берилиши зарур.

Биз Осиё, Африкадаги, марказий Америкадаги можароларни тинч бартараф этишга кўмаклашиш учун, у ерда яшовчи халқлар ўз тақдирини четдан аралашувсиз эркин белгилашлари учун ўз куч-ғайратимизни бирлаштирамизми? Озодлик иши ривож топа оладими? Ўтмишда имзоланган ёки келажакда имзоланадиган шартнома ва битимларнинг қоидалари бажариладими? Америкадаги, Совет Иттифоқидаги ва бутун дунёдаги кишилар «Ҳа» деб жавоб беришга тайёр бўлиб турибдилар.

Бугун мен бафуржа учрашувимизни туграллаб, тинчлик ва озодлик шароитида янада хавф-хатарсиз дунёни барпо этиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланиш азму қарори билан Женевадан жўнаб кетяпман. Келгусида қийин ишлар қилиниши керак. Биз бу ишларга тайёрмиз.

Бош секретарь М. С. Горбачев, биз Сиздан бу иш бажарилади, деган фикримизга қўшилишингизни сўраймиз ва Сиз бу фикрга қўшилишингизга аминман.

Шундан кейин КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе билан АҚШ Давлат секретари Ж. Шульц СССР билан АҚШ ўртасида фан, маориф ва маданият соҳасидаги айирбошлаш ва алоқалар тўғрисидаги умумий битимни имзоладилар.

Маросим охирида М. С. Горбачев билан Р. Рейган қисқача суҳбатлашдилар.

(ТАСС).

# 1985/86 ЙИЛ ҚИШ ФАСЛИДА ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИШ, ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ХАРИД ҚИЛИШНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда)

Социалистик мусобақа ташаббускорларининг чорвачилик маҳсулдорлиги юзасидан энг юқори кўрсаткичларга, гўшт, сут ва бошқа маҳсулот етиштиришда энг кўп ўсишга эришиш, ем-хашакдан ва бошқа моддий воситалардан самарали фойдаланиш, интенсив технологияларни, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини қўлланиш учун бошлаган ватанпарварлик ташаббуси республиканинг барча чорвадорлари, Госкомсельхозтехника, озиқ-овқат, гўшт, сут, омихта ем саноати ҳамда балиқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари орасида кенг кўламда қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети колхозчиларнинг, совхоз ишчилари ва мутахассисларининг, агросаноат комплекси барча меҳнатчиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада оширишга ниҳоятда муҳим аҳамият бериб, бу ҳақда қабул қилган қарорида КПСС XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига юксак мажбуриятлар қабул қилган ва 1985-86 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун республика социалистик мусобақасини авж олдириш таклифи билан майдонга чиққан ишлаб чиқариш илғорларининг, бригадалар ва фермалар, колхозлар, совхозлар ҳамда агросаноат комплексидаги бошқа корхона ва ташкилотлар коллективларининг ташаббусини маъқулладилар.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, халқ депутатлари область, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советларининг ижроия комитетларига, агросаноат бирлашмаларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, колхоз ва совхозларнинг меҳнат коллективларига КПСС Марказий Комитетининг Чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказайлик, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирайлик деган мурожаатномасини кенг муҳокама этиш, таклиф этилаётган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш, ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни чорва ва парранда маҳсулдорлигини оширишга, гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтиришга қаратиш топширилди.

Ҳар бир фермада молларни жойлаштириш ва парвариш қилиш учун зарур шароитларни яратиш, ҳисоб-китоб ва ҳисоботни тегишли даражада йўлга қўйиш, социалистик мусобақа ва ўзаро текшириш якунларини ҳар ойда чиқариб туриш, ҳар бир мусобақадош қабул қилинган мажбуриятини бажариш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш кўзда тутилган. Ишлаб чиқаришнинг интенсив методлари, хўжалик ҳисоби, бригада пудрати сабот билан жорий этилиб, иш сифати яхшилансин. Мусобақа ғолибларини маънавий ва моддий рағбатлантириш чораларидан кенг фойдаланилсин, ҳамма жойда уларнинг тажрибаси жорий этилсин.

Социалистик мусобақани ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлаш, янги техника ва технологияни ўзлаштириш, ресурсларни тежаш, яратилган потенциалдан самарали фойдаланиш, ҳар бир коллектив давлат плани ва социалистик мажбуриятини бажариши учун хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг шахсий масъулияти оширилсин. Ҳар бир хўжаликда ўн кунда бир марта чорвадорлар куни ўтказиб турилсин.

Чорвадорларга медицина, савдо хизмати ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхшилансин.

Фермаларга ишончли техникавий хизмат кўрсатилишини, маҳсулот ўз вақтида қайта ишланишини таъминлаш ва шу маҳсулот бевосита етиштириладиган жойларда қабул қилиб олинишини кенгайтириш, қишлоқ хўжалигига тўйимли омихта ем, оқсил-витаминли ва минерал қўшимчалар, шифобахш ва ветеринария-профилактика препаратлари етказиб берилишини кўпайтириш соҳасида колхозлар, совхозлар ҳамда улар билан боғлиқ агросаноат комплекси корхоналари ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари мустаҳкамланиб, ривожлантирилсин.

Ишлаб чиқариш илғорлари, бригадалар ва звеноларнинг, чорвачилик фермалари ва комплексларининг, колхозлар, совхозларнинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг, ёрдамчи қишлоқ хўжаликларининг коллективлари, шунингдек чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказадиган, план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни энг кўп оширишга, уларнинг сифатини яхшилашга, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга, молларнинг маҳсулдорлигини ошириб, уларнинг сақлаб қолинишини таъминлайдиган районлар, Қорақалпоғистон АССР ва областлар;

фермалар ва озуқа цехларига техникавий хизмат кўрсатиш, чорвачилик маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш юзасидан колхоз ҳамда совхозлар олдидаги шартнома мажбуриятларини бажарадиган, сифатли омихта ем ва озуқа қўшимчалари ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалигига етказиб бериш планларини ошириб бажарадиган ишлаб чиқариш илғорлари, участкалар ва цехларнинг, Госкомсельхозтехника, озиқ-овқат, гўшт, сут, омихта ем саноати ҳамда балиқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари 1985/86 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун республика социалистик мусобақасининг ғолиблари деб топиладилар.

Қарорда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун республика социалистик мусобақаси ғолибларини мукофотлаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 77 та Фахрий ёрлиғини таъсис этиш мўлжалланди. Шундан:

Қорақалпоғистон АССР ва областларни мукофотлаш учун 4 та Фахрий ёрлиқ, шу жумладан 10 минг сўм пул ва 10 та енгил автомашинадан иборат битта мукофот, 7 минг сўм пул ва 7 та енгил автомашинадан иборат битта мукофот, ҳар бири 5 минг сўм пул ва 5 та енгил автомашинадан иборат иккита мукофот;

районларни мукофотлаш учун 13 та Фахрий ёрлиқ, шу жумладан ҳар бири 4 минг сўм пул ва 5 та енгил автомашинадан иборат учта мукофот, ҳар бири 3 минг сўм пул ва 4 та енгил автомашинадан иборат тўртта мукофот, ҳар бири 2,5 минг сўм пул ва 3 та енгил автомашинадан иборат олтита мукофот;

колхозлар, совхозлар, паррандачилик фермалари, хўжаликлараро ва бошқа корхоналар, саноат корхоналари ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари коллективларини мукофотлаш учун 60 та Фахрий ёрлиқ, шу жумладан ҳар бири 2 минг сўм пул ва 3 та енгил автомашинадан иборат 13 та мукофот, ҳар бири 1500 сўм пул ва 2 та енгил автомашинадан иборат 20 та мукофот, ҳар бири 1000 сўм пул ва 1 та енгил автомашинадан иборат 27 та мукофот.

Мазкур Фахрий ёрлиқларнинг 39 таси Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, 5 таси Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига, 3 таси Ўзбекистон ССР Госкомптицепромига, 2 таси «Главсредазирсовхозстрой»га, 1 таси ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлимига, 1 таси Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигига, 2 таси Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигига, 2 таси Ўзбекистон ССР Госкомсельхозтехникасига, 1 таси Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетига, 4 таси корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликларига ажратилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган хўжаликлар, корхоналар ва ташкилотлар енгил машиналарни тегишли министрликлар ва идоралар белгилаган шартларда (ўз маблағлари ҳисобига) оладилар.

1985/86 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун республика социалистик мусобақасида ғолиб чиққан хўжаликлар, корхоналар ва ташкилотларга сотиш учун Ўзбекистон ССР Госплани 1986 йил III кварталида 182 та енгил автомашина ажратсин, Ўзбекбирлашув эса уни етказиб беришни таъминласин.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг 1985/86 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун республика социалистик мусобақаси ғолибларини рағбатлантириш мақсадида Совет Иттифоқи бўйлаб ва чет мамлакатларга 600 та имтиёзли туристик путевка ажратиш тўғрисидаги;

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг энг яхши комсомол-ёшлар коллективларини мукофотлаш учун 70 та Фахрий диплом таъсис этиш ва ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш учун 500 та туристик путевкалар ажратиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га ва ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлимига ҳамда ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари бўлган бошқа министрликлар ва идораларга тегишли касаба союз республика комитетлари билан биргаликда 1985/86 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун республика социалистик мусобақаси ғолиблари бўлган звенолар, бригадалар, фермалар, цехлар ва участкалар коллективларини, шунингдек ишлаб чиқариш илғорларини мукофотлаш учун Фахрий дипломлар билан пул мукофотлари таъсис этиш топширилди.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, касаба союз, комсомол ва қишлоқ хўжалик органларига, автоном республикада, областда, районда республика социалистик мусобақасида энг яхши кўрсаткичларга эришган ферма ва бригадаларнинг коллективларини, ишлаб чиқариш илғорларини маҳаллий бюджет ҳисобидан маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг конкрет тадбирларини белгилаш топширилди.

1985/86 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун республика социалистик мусобақасининг якунларини 1985 йилнинг IV квартали ва 1986 йилнинг биринчи ярми кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда чиқариш белгилаб қўйилди.

Қорақалпоғистон АССР, областлар, районлар ва хўжаликлар ўртасида республика социалистик мусобақаси якунларини чиқариш кўрсаткичларини Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети билан Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси белгилаб беради.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ССР Меҳнат Давлат комитети ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан келишган ҳолда ушбу қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 1985/86 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун республика социалистик мусобақаси шартларини бир ой муддат ичида тасдиқласинлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган Қорақалпоғистон АССР, областлар, районлар колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларига, шунингдек министрликлар ва идоралар ҳамда касаба союзлари республика комитетларининг Фахрий дипломлари билан тақдирланган чорвачилик фермалари ва комплексларининг, звенолари ва бригадаларининг, цехлари ва участкаларининг коллективларга, ишлаб чиқариш илғорларига пул мукофотлари давлат бюджети ҳисобидан тўланади. Ўзбекистон ССР Молия министрлиги 1986 йилда ана шу мақсадларга зарур бюджет маблағи ажратсин.

Республика газеталари ва журналлари, телевидение ва радиоэшиттириш редакциялари социалистик мусобақанинг боришини кенг ёритсинлар, энг яхши коллективлар ва ишлаб чиқариш илғорларининг ютуқларини, уларнинг чорва маҳсулдорлиги ва маҳсулот етиштиришни оширишни, сифатини яхшилашни, таннархини камайтиришни таъминловчи иш методларини пропаганда қилсинлар. Чорвачиликда фан ютуқлари ва илғор тажрибани, коллектив пудрат ва хўжалик ҳисобини, меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг бошқа илғор формаларини кенг жорий этиш асосида ишлаб чиқаришни интенсивлашга алоҳида эътибор берсинлар.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун республика социалистик мусобақасига актив қўшилган қишлоқ хўжалиги, агросаноат комплекси бошқа тармоқларининг меҳнаткашлари гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришда, республика аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда янгидан янги муваффақиятларга эришадилар, КПСС XXVII съездини, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини зарбдор меҳнат билан кутиб оладилар, ўн иккинчи беш йилликда чорвачиликни янада юксалтириш учун яхши негиз яратадилар, деб ишонч билдирадилар.

# ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА

Яқин-яқингинада онгимизга синга бошлаган, бироқ ҳозирнинг ўзида зарур ҳаётий формулага айланган «инсон омилини активлаштириш» тушунчаси кундалик улкан ишлар билан йўғрилгандир. Уни бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлиги табиийдир. Ахир, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари, съездолди ҳужжатларида белгиланган улуғвор планларнинг реаллиги пировард натижада жамиятимизнинг асосий бойлиги — кишиларнинг меҳнат ташаббускорлиги ва маънавий мусаффолигига боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш ва кишилар ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичида ҳар биримизга ҳаёт қўяётган барча талабларни чамаси «давр билан ҳамнафаслик» ягона тушунчасида ифодалаш мумкин.

Ҳаётни янада гўзалроқ қилиш учун меҳнат эҳтиёжи ва маънавий иштиёқ мувофиқлиги зарур. Ҳар бир киши учун «Агар мен ўз ўрнимда шу ишни қилмасам, бошқа ким ҳам мен учун бу ишни бажаради?» тушунчаси ягона қоида бўлиб қолмоғи керак. Бугун ишчи ва колхозчидан тортиб министр ва партия етакчисигача ҳар бир киши учун фақат мана шундай ҳаётий позиция жоиздир. Кишилар ишончи қанчалик юқори бўлса, уни оқлаш учун сарфланадиган жисмоний ва маънавий фазилатлар — виждонан мусаффолик, чексиз фидокорлик, сўнмас ижодий иштиёқ шунчалик кучли бўлиши лозим. Агар бунга кишиларга раҳбарлик қилиш ишончи ҳам қўшилса, уни кишилар тақдирига дахлдорлик учун маънавий ҳуқуқсиз асло оқлаб бўлмайди.

Бундай ҳуқуққа ҳаётни коммунистик ахлоқ нормаларига биноан қуриш ақл-идрок ва қалб эҳтиёжига айланган кишиларгина мушарраф бўладилар. Бу ҳуқуқ партия Программаси, коммунистлар ҳаётининг қонуни — КПСС Устави билан текшириб борилади. Партия умумхалқ муҳокамасига қўйган ана шу ҳужжатларнинг лойиҳаларида аниқ ёзиб қўйилганки, коммунист ягона мезон — иши ва хатти-ҳаракатига қараб баҳоланади. Унга икки бора масъулият — партия ва давлат олдида, бинобарин, партия ва халқ олдида масъулият юкланган.

Хўжалик вазифаларини ҳал этишга янгича ёндашувни талаб қилар экан, КПСС партия ҳаётининг ленинча нормаларига, демократик централизм принципларига, раҳбарликнинг коллегиаллигига оғишмай риоя этиш сўзсиз зарурлигини таъкидлайди, партия ички демократиясини, коммунистларнинг ижодий активлигини, танқид ва ўз-ўзини танқидни, ишларда ва кишиларни баҳолашда кенг ошкораликни ҳар томонлама ривожлантиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан бошлаб, республика партия ташкилоти мана шу йўлни изчил ўтказмоқда. Ҳамма нарсада тартиб ўрнатилаётир, бутун республикада — партия комитетлари ва ташкилотларида, министрлик ва идораларда, меҳнат коллективларида вазиятни соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда. Ишончли кадрларга эга бўлган партия комитетлари кейинги вақтда партия, совет, хўжалик фаолиятида яхши мактабни ўтаган кўпгина ташаббускор, ғайратли, билимдон ходимларни раҳбарлик лавозимларига кўтардилар. Ажойиб ёшларимиз камол топмоқда. Партия талаб қилганидек, масъул участкаларга хотин-қизлар кўпроқ кўтарилмоқда. XVI пленум йўли республикада ижтимоий вазиятни соғломлаштириш, порахўрлик, қариндош-уруғчилик, кўзбўямачиликни тугатиш имконини беради. Меҳнаткашлар пленум йўлини, партия комитетларининг ҳамма нарсада тартиб ўрнатиш борасидаги амалий ишларини қизғин маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, экономика ва маданиятни ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини тобора муваффақиятли ҳал этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг бош йўлига ва халқнинг эзгу орзу-умидларига мувофиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари янги раҳбарларга ўз истеъдод ва қобилиятларини намоён этишга, илгари масъул участкаларга раҳбарлик қилган ходимларнинг эса ўз иши ва шахсияти моҳиятига қайта танқидий назар ташлаб чиқиши, ўз ишини қайта қуриб олиши, мавжуд нуқсонларни бартараф этиши ва давр билан ҳамнафас бўлишига ёрдам берди. Бу эса, Михаил Сергеевич Горбачевнинг сўзлари билан айтганда, омилкорлик, янгиликни ҳис этиш, ташаббускорлик, масъулиятни ўз зиммасига олишда журъат ва шунга тайёрлик, вазифа қўябилиш ва унинг ҳал этилишини охирига етказиш маҳорати, хўжаликни юритишнинг сиёсий моҳиятини эътибордан қочирмаслик қобилияти сингари фазилатларнинг аҳамиятини янада оширади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми руҳида амалга оширилган ишларга баҳо берар эканмиз, биз ишларимиздаги ўзгаришлардан фахрланамиз, энг муносибларнинг муносиблари қанчалик маҳоратли раҳбарларга айланиб бораётганликларини шууримиздан ўтказамиз.

Қайта қуришлар ва муваффақиятларни, соғлом маънавий муҳитни, меҳнат шижоати ва социал адолат тантанасини «Ўзбексельмаш»да унинг бош директори Ў. К. Исмоиловсиз, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатида — унинг раҳбари В. Н. Сигединсиз, «Ўзбекнефть», Қўқон ип йигирув-пайпоқ тўқув, Наманган аврли газламалар бирлашмаларида — уларнинг бош директорлари К. Ж. Ҳаққулов, М. И. Исмоилов, С. Т. Тўхтабоевларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бу раҳбарлар фақат ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиларигина эмас, шу билан бирга ўз меҳнат коллективлари учун тарбиявий намуна ҳамдирлар. Уларнинг шахсий масъулияти, ишчанлиги, маънавий мусаффолиги ғоят юксак тарбиявий намунадир.

Бу давр билан ҳамнафаслик намунасидир. Мана шу руҳ Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати А. Тиллабоев, Конимех районидаги Тельман номли совхоз директори К. К. Абдуллаев, Шимолий кон бошқармаси директори Б. Н. Зиздо, «Югпроммонтаж» трестининг бошлиғи А. А. Борисенко ва бошқа кўплаб раҳбарларнинг обрў-эътиборини оширмоқда.

Уларнинг обрў-эътибори КПСС Марказий Комитетининг талаблари асосида республика шароити учун барча вазифаларни конкретлаштириб берган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми йўлидан қатъият билан боришдадир.

Уларнинг обрў-эътибори хўжалик ва экономикани интенсивлаштиришга, ҳар бир коллективда, ҳар бир шаҳар, ҳар бир районда ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган ташаббусларини меҳнаткашлар кенг қўллаб-қувватлаётганлигидадир.

Бироқ барча коммунистлар ва раҳбарлар давр талабига ҳамнафасликнинг зарурлигини мана шундай англаб етдиларми? Биз кутаётган ўзгаришлар тақдирини — социал адолатни оғишмай таъминлаш, ярим-ёрти тадбирлар билан ҳам, кампаниячилик билан ҳам асло умумийлиги бўлмаган қадамлар қўйишни ҳар кимга ҳам ишониб топшириш мумкинми?

Албатта, йўқ. Шундай кишилар ҳам борки, улар ўзларини бадном қилиб қўйдилар, бошқаларга раҳбарлик қилиш ҳуқуқини бой бердилар. Маънавий носоғломлик, дабдабабозлик ва ваъдабозлик, тафаккурдаги турғунлик, юлғичлик ва кўзбўямачилик билан ўзларини шу ҳуқуқдан маҳрум қилдилар. «Бундай ходимлар ҳеч қаерда раҳбарлик лавозимини эгаллай олмайдилар». Михаил Сергеевич Горбачев Ленинградда, партия активи йиғилишида шу сўзларни айтганида, залда қарсаклар янгради. Чунки ўзларини кенг фикрли кишилар қилиб кўрсатувчи калтабинлар, сўзамол уқувсизлар ҳаммамизнинг жонимизга теккан эди. Бундай кишиларнинг сўзи ишига асло тўғри келмайди, бутун эътиқоди эса, айтиш мумкинки, тил учида илиниб турарди.

Бироқ худди мана шу кишилар ўзлари номаъқул мақсадларда фойдаланиб келган юқори лавозимларини бой бериб қўйганликлари билан ҳанузгача ич-ичидан асло келиша олмаётирлар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин бундай кишиларнинг оёғи куйиб қолди. Лекин улар ҳалигача худди тушунмагандай «Лавозимимдан нима учун олишди? Нега жазони партия учет карточкасига ёзиб қўйишди?» деб асл башараларини ниқоблашга интилмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси миш-мишларни авж олдирмоқда.

Барча даражадаги идораларга «юмалоқ хат»ларнинг ифлос оқими тўхтамаётир.

Бироқ бундай шикоятлар қанчалик синчиклаб текширилмасин, уларнинг бирор сатри ҳам ҳаққоний бўлиб чиқмади. Хизматдаги икир-чикирлар ёки маънавий қашшоқлик учун илгари жазо берилмаганлигига ишоралар асло ҳисобга кирмайди. Шунинг учун ҳисобга кирмайдики, эндиликда ҳайбаракаллачилик ва юмшоқ кўнгиллиликка ҳеч қачон қайтилмайди.

Уни шунинг учун лавозимидан бўшатишдики — халққа хизмат қилишнинг юксак масъулиятини ҳис этиш ўрнига бу лавозим унинг учун шахсий бойлик орттириш манбаига айланиб қолди. Уни шунинг учун партиядан ўчиришдики, чунки бу одам айтиш мумкинки, тушида ҳам, ўнгида ҳам — амалда аллақачон коммунист номига номуносиб бўлиб қолган эди. Ҳашаматли дала ҳовлиси ҳам, минг-минг сўмлаб поралар билан лиқ тўла темир сандиқ ҳам, лаёқатсиз қариндош-уруғлар ва текинхўрларнинг «отамерос мулки»ни тўлдирган аҳил улфатлар ҳам бу юксак номга асло сиғишмайди. Шунинг учун уни партиядан ўчириб, учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговар эълон қилишдики, бу киши партия нормалари талабларини бузди, партия Уставини буткул унутиб қўйди.

Айрим собиқ раҳбарларнинг илгари йўл қўйган қусурига берилган баҳо билан келиша олмаётганлиги сабабли шикоятлар оқими тинмаяпти, турли овозалар тарқатилиб, миш-мишлар авж олдирилмоқда. «Қўшилмаганлар» куч-ғайратларини ўзларига ишониб топширилган иш участкаларида сарфлаш фойдали эканлигини амалда кўрсатиш ўрнига бўлмағур ишларда ҳаддан ташқари кўп ғайрат бағишламоқдалар ва бугун бизни мана шу баъзи асоссиз миш-мишларга барҳам беришга мажбур этмоқдалар. Эҳтимол, шу тариқа юқори лавозимдан бўшаган кишиларда дилсиёҳлик билан афтни буриштириб таниш ва нотанишлардан: «Нима учун жазолашди?» деб сўрашга иштиёқлари сўнар, эҳтимол уларни ўзича қўллаб-қувватлаётган, ҳайбаракаллачилик қилаётган кишиларда миш-мишлар гирдобига тушиб қолмаслик учун соғлом ақл-идрок уйғонар.

Ўзининг ҳозирги ҳолатини тушуниб етмаётганлар орасида собиқ республика қишлоқ қурилиши министри Н. Ғ. Қурбонов, Чет эл туризми бўйича Ўзбекистон ССР Бош бошқармасининг собиқ бошлиғи Ҳ. Р. Раҳимов, Тошкент давлат медицина институтининг собиқ ректори Ў. О. Орипов, республика Кўрлар жамиятининг собиқ раиси Қ. П. Примқулов, Тошкент область халқ маорифи бўлимининг собиқ мудири А. Э. Назаров, республика Фанлар академиясининг собиқ президенти О. С. Содиқов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг собиқ биринчи секретари С. О. Азимовлар бор.

Албатта, бошқа кишилар ҳам йўқ эмас.

Бироқ худди мана шу кишиларнинг уларга нисбатан кўрилган чоралардан норозилик, айбсиз айбдорлар либосини кийиб олишга интилиш бирлаштиради. Улар аччиқ сабоқлардан тўғри хулосалар чиқариб олиш ўрнига, ҳаёти ва иши билан кишилар кўзига соф виждон билан қараш ҳуқуқига эга бўлиш учун интилиш ўрнига мана шундай қилмоқдалар. Дарвоқе, уларнинг ҳаммалари ҳам ўз лавозимларидан бўшатилган эмаслар, айримлари пенсияга чиқишди, бошқалари эса ижодий ишга ўтишди. Баъзилари ҳатто партиявий жазо ҳам олишмади — уларни бундай жазодан осонгина сақлаб қолишди.

Аслини олганда, баъзи партия ташкилотлари ва комитетларининг худди мана шундай принципсизлиги ҳар бир кишининг қилмишини дарҳол муносиб баҳолаш имконини бермади. Шундай ошкораликнинг таъминланмаганлигига таажжубланиб: «Нима учун?» деб бериладиган саволларга қулай муҳит яратди.

Бу масалаларни ойдинлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Н. Ғ. Қурбоновга қишлоқ қурилиши министри юксак лавозимини ишониб топширишди. Бу идорада иш оз эмас. Бироқ у қишлоқ қурилишида тартиб ўрнатишга шошилмади. Кўпроқ ўзининг шаҳардаги муаммоларини ҳал этиб олишга уринди. Бундай муаммолар оз эмасди — фақат оилани тебратишгина эмас, балки ўзига ёқиб қолган бир аёлнинг ҳам кўнглини ҳушлаши лозим эди. Министр бу эркин келишувни мустаҳкамлаш мақсадида ўз маҳбубасига «Нива» хизмат машинасини бириктиб қўйди. Чунки хизматдаги «Волга» унинг ўзига керак эди.

Ишқий ҳардамхаёллик оилавий келишмовчиликка олиб келади. Бу эса, маълумки, хизмат вазифасини ўташда яхши ёрдамчи бўлолмайди. Табиийки, министрликдаги ишлар ҳам барбод бўла борди.

**Биз, нимасини ҳам айтайлик,** жуда нозик мавзуга ўтиб қолдик. Фақат бир мақсадда шундай қиляпмиз. Ҳар ким оила ва никоҳ муаммосини ҳал этишда эркин эканлигини эслатмоқчимиз. Бироқ бу ишлар ахлоқимизга мос тушиши зарур. Қонунларимиз ҳам шуни кўзда тутади. Энг аввало ўз киссасини давлат кассаси билан чалкаштирмаслик лозим.

Ҳ. Р. Раҳимов ҳам кўнгил бобида тойди. Бироқ унинг севгиси ўз фарзандига қаратилган эди. Маълумки, бундай севги қораланмайдигина эмас, ҳатто рағбатлантирилади ҳам. Бироқ у қонун ва ахлоқ доирасида

